

## DEPENDENCE OF VALUABLE ECONOMIC SIGNS OF ROUND WHEAT VARIETIES AND LISTS

**Juraev Diyor Turdikulovich**

Doctor of Philosophy (PhD) Senior Research Fellow in Agriculture:

**Azizov Bekzod Gairat oglu**

Trainee Researcher:

"Southern Agricultural Research Institute"

**Abstract:** This article presents the influence of such important indicators as the length and density of spikes, spike weight, grain weight per spike on the yield of early sown varieties of spring soft wheat grown on irrigated lands of the Republic.

**Keywords:** Spring wheat, one spike, number of grains, yield

## ДУВАРАК БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

**Жўраев Диёр Турдиқулович**

Фалсафа фан доктори (PhD) қишлоқ хўжалиги катта илмий ходими:

**Азизов Бекзод Ғайрат ўғли**

Стажиёр тадқиқотчи:

"Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти"

**Аннотация:** Мазкур мақолада Республикамизнинг суғориладиган майдонларда етиштирилаётган баҳорги (дуварак) юмшоқ буғдойнинг эрта муддатда экилган нав тизмаларнинг ҳосилдорлигига бошоқ узунлиги ва зичлиги, бошоқ оғирлиги, бир бошоқдаги дон вазни каби муҳим кўрсаткичларнинг таъсири келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Баҳорги юмшоқ буғдой, дуварак, битта бошоқ, дон сони, ҳосилдорлик.

**Аннотация:** В статье представлено влияние таких важных показателей, как длина и густота колосьев, масса колоса, масса зерна в колосе, на урожайность ранних посевных сортов яровой мягкой пшеницы, выращиваемых на орошаемых землях республики.

**Ключевые слова:** Пшеница яровая, один колос, кол-во зерен, урожайность

Дунёнинг барча мамлакатларида юқори сифатга эга бўлган буғдой навларини яратиш ва дон етиштиришни кўпайтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сонининг ҳосилдорлик билан ўзаро узвий боғлиқлиги юқори даражада бўлиши лозим. Шунинг учун республиканинг жанубий минтақалари тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган, қурғоқчилик ва иссиқликка, касаллик ҳамда зарарқунандаларга ва ётиб қолишга чидамли, ҳосилдор, саноат талабларига тўла мос келадиган интенсив типдаги баҳорги юмшоқ буғдой навларини яратиш бугунги кунда селекционер олимларнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ўринбоев Т.Х.Илашев А.Иларнинг айтишича униб чиқишдан бошқоқлашгача бўлган даврнинг давомийлиги бир қатор муаллифлар фикрича, асосан икки омилга ҳаво ҳарорати ва кун узунлигига боғлиқ[1]

Агзамова. Ф.Р,Мельстер. Э.А, Вахидова. Г. А тақидлашичасуғориладиган майдонлардаги экинларни суғориш учун берилётган сувнинг асосий қисми, яъни 65-70% ни ўсимликлар орқали узлаштирилади, колган 30-35% ни эса физик бу-ланиб тупроқнинг чуқур қатламларига шимилиб кетмоқда.[2]

Абаева. С.С тақидлашича шўрланишига, қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли навлар яратишда буғдой селекциясининг асосий йўналишлардан бири бу эртапишар нав яратишга қаратилган. Бундан ташқари қурғоқчиликка ноқулай шароитларга чидамли ўсимлик генотипига ва маҳаллий шароитининг сув режимига боғлиқ бўлиб, битта нав турли географик минтақаларда турли хил чидамлилиқни кўрсатган, ҳамма минтақалар учун бир хилда қурғоқчиликка чидамли умумий (универсал) нав бўлмайди.[3]

Буғдойнинг униб чиқиш фазаси ҳосил учун муҳим аҳамиятга эга, чунки худди шу фазада муртақ илдизча фаолияти сусайиб, асосий илдиз тизими шаклланади [4, 5, 13, 19].

Умуман қишлоқ хўжалигини деҳқончилик соҳасида биологик жиҳатдан тезпишар бўлган буғдой навлари мамлакатимизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида деҳқончилиқни интенсивлаштиришга имконият яратади [8, 11, 15, 16, 22].

Ўсимликнинг бошқоқлаш даври асосан кузги буғдой ҳосилдорлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Униб чиқиш бошқоқлаш даври эртапишарлиқни аниқлашда муҳим бўлиб, у навнинг биологик хусусиятига боғлиқ [6, 9, 14, 17, 20].

Давлат реестрига киритилган кўп экинларнинг ҳамма навлари (100%) ёки аксарияти Ўзбекистонда яратилганлиги дончилик соҳасидаги ютуқларга мисол бўла олади. Лекин бу борада ҳали кўп муаммолар ва бажарилиши керак бўлган ишлар мавжуд [7, 10, 12, 18, 21].

**Тадқиқот услублари ва материаллари.** Олиб борилган тадқиқотимиз Қарши тумани Я.Омонов худудида баҳорги юмшоқ буғдойнинг рақобатли нав синаш кўчатзориди ўтқазилди. Бунда 20 та нав ва тизмалар 3-қайтариқда, 30м<sup>2</sup> майдонга экибўрганилди.

Ўсимликнинг бўйи ўсув даврининг нечоғли қулай эканлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, у ташқи муҳитнинг қандай келиши ва қўлланилган агротехник тадбирларга қараб ўзгаради. Ўсимлик бўйининг ва бўғинлар орасининг узун ёки қисқа бўлиши ҳамда бўғин оралиғининг узунлиги ўсимлик бўйининг асосини ташкил этишдан иборатдир.


Ўрганилган нав ва дурагайларнинг ўсимлик бўй кўратгичини ўлчаганимизда андоза SANZAR-4 нави 75,4 см бўлганлиги кузатилди. Андоза навига нисбатан БЯН-2017/1 тизмасининг бўйи85,9см, БЯН-2017/3 тизмасининг бўйи82,5см, БКР-7/3 тизмасининг бўйи 83,9см, БКР-2/2 навининг бўйи 86,6см бўлиб, энг узун бўйлиэканлиги.аниқланди.

**Рақобатли нав синаш кўчатзорида баҳорги муддатда экилган нав тизмаларнинг биометрикаси ва ҳосилдорлиги.**

№	Нав номи	Ўсимлик бўйи, см	Бошқоқ узунлиги	Бошқоқ оғирлиги, гр	Бошқоқдаги бошқоқчалар сони. дона	Бошқоқдаги дон сони, дона	Бошқоқдаги дон оғирлиги, гр	Ҳосилдорлик, ц/га
1	SANZAR-4	75,4	10,4	1,65	16	38	1,3	25,6
2	БКР-1/1	79,5	10	1,6	15	43	1,45	32,2
3	БКР-1/2	74,9	9,25	1,45	15	38	1,2	34,7
4	БКР-2/1	79,3	9,2	1,8	14	40	1,25	29,5
5	БКР-2/2	86,6	9,15	1,7	15	41	1,4	40,8
6	БКР-2/3	82,9	9,95	1,95	17	45	1,45	40,4
7	БКР-2/4	75,7	9,7	1,6	15	42	1,25	25,3
8	БКР-6/1	75,1	9,7	1,5	16	40	1,2	26,7
9	БКР-6/3	80,5	9,85	2,1	15	41	1,35	31,9
10	БКР-6/4	79,8	9,9	1,55	15	44	1,25	33,6
11	БКР-7/1	78,4	9,35	1,45	16	42	1,1	26,4
12	БКР-7/2	79,6	9,65	1,5	16	34	1,05	27,3
13	БКР-7/3	83,9	9,7	1,9	15	37	1,4	32,2
14	БКР-7/4	80	9,5	1,7	15	43	1,2	35,6
15	БКР-9/2	73,4	9,2	1,5	14	37	1,15	33,8
16	БКР-9/3	77,8	8,9	1,35	16	37	1	27,3
17	БКР-9/4	73,5	9,2	1,3	16	35	0,75	13,9
18	БЯН-2017/1	85,9	9,2	1,85	17	39	1,6	32,3
19	БЯН-2017/2	83,6	10,05	2,15	15	47	1,65	50,7
20	БЯН-2017/3	82,5	9,6	1,9	16	47	1,5	46,8
	Min	73,4	8,9	1,3	14	34	0,75	13,9
	Mean	79,4	9,6	1,7	15	41	1,3	32,4
	Max	86,6	10,4	2,15	17	47	1,65	50,7

Агар ўсимлик бўйи 70 см дан паст бўлса ҳосилдорлик пасайишига, бу асосан 1000 та дон вазнининг пасайиши ва механик ўрим қийин кечишига олиб келади.

**Баҳорги буғдой навларининг бошқоқ ўлчамлари** Тажрибамизда бошқоқ узунлиги андоза Санзар-4 навида 10,4см гачани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич БЯН-2017/2 навида 10,05см андоза навидан юқори кўрсаткични кўрсатмоқда. Андоза нав кўрсаткичига нисбатан пас курсаткичларэса БЯН-2017/1, БКР-9/4, БКР-9/2, БКР-2/1 лар 9,2см гача эканлиги қайд қилинди.



Тажрибамизнинг бошоқдаги донлар сони бўйича андоза Санзар-4 навида 37,38,9 та гачани ташкил этган бўлса, андоза навида нисбатан бу кўрсаткич БЯН-2017/2 навида 42,4-52,5 та гача, БКР-2/2 навида 38,9-43,1 та гача, БЯН-2017/3 тизмасида 44-49,4 та гача, БКР-2/3 тизмасида 40-49,4 та гача эканлиги қайд қилиниб танлаб олинди.

Бошоқдаги бошоқчалар сони бўйича андоза Санзар-4 навида 15,4-16,8 та гачани ташкил этган бўлса, андоза навида нисбатан бу кўрсаткич БЯН-2017/2, БКР-2/2, БКР-2/3, БКР-7/4, БКР-1/2, БКР-9/2 тизмалари юқори кўрсаткичларни бермоқда. Нав ва тизмаларга нисбатан энг паст натижаларни БКР-9/2, БКР-2/1 кўрсатмоқда.6 та тизмалар андоза навида нисбатан бошоқчалар сони энг юқорилиги қайд қилинди.

Бошоқдаги дон оғирлиги бўйича андоза Санзар-4 навида 1,2-1,4 гр гачани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич андоза навида нисбатан 7 тизмаларимизда юқори эканлиги кузатилди, булардан БЯН-2017/2, БКР-2/2, БЯН-2017/3, БКР-2/, БКР-7/, БКР-1/, БКР-9/2 эканлиги кузатилди.

Баҳорги эрта муддатда экилган тадқиқот натижаларига кўра ҳосилдорлик БЯН-2017/2 ва БКР-2/2 навлари, БЯН-2017/3, БКР-2/3, БКР-7/4, БКР-1/2 ва БКР-9/2 каби нав тизмаларида энг юқори эканлиги аниқланди.

## Хулоса

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Бошоқдаги бошоқчалар сони бўйича андоза Санзар-4 навида 15,4-16,8 та гачани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич БЯН-2017/2 навида 14,7-14,8 та гача, БКР-2/2 навида 14,7-15,8 та гача, ташкил қилди. Андоза навида нисбатан 2 та тизмамиз юқори деб баҳоланди. Бошоқдаги донлар сони бўйича эса андоза Санзар-4 навида 37,38,9 та гачани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич БЯН-2017/2 навида 42,4-52,5 та гача, БКР-2/2 навида 38,9-43,1 та қайт қилинди. Бошоқдаги дон оғирлиги бўйича андоза Санзар-4 навида 1,2-1,4 гр гачани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич БЯН-2017/2 навида 1,5-1,8 гр гача, БКР-2/2 навида 1,4 гр гача, ҳосилдорлиги бўйича БЯН-2017/2 ва БКР-2/2 навлари, БЯН-2017/3, БКР-2/3, БКР-7/4, БКР-1/2 ва БКР-9/2 каби нав тизмаларида энг юқори эканлиги аниқланиб, танлаб олинди ва селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўринбоев Т.Х, Илашев А.И. Жиззах вилоятида буғдойчиликнинг илмий-амалий асослари. –Ғаллаорол, 2010. –Б. 35-55.
2. Агзамова Ф.Р, Мельстер Э.А, Вахидова Г. А Биостимулятор мумиё-асил в лечении //1 конгр. пульмонол. и аллершл. Центр. Азии. (Ташкент, 7-8 июня ё1994)-Т.1994.-С.92.

3. Абаева С. С Влияние бора и меди на урожай хлопчатника. // Конференции по микроэлементам: Тез. докл. - JL: 1995. - Т.1. - С. 120-121.
4. Fayzullayev A. Z. et al. Selection of high-yielding and high-quality lines of bread wheat // INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL "INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY". – 2020. – Т. 1. – №. 3. – С. 10-14.
5. Дилмуродов Ш. Д., Зиядуллаев З. Ф. Selection of early and productive lines in preliminary yield trial of bread wheat // INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL "INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY". – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 55-59.
6. Дилмуродов Ш. Д., Зиядуллаев З. Ф. Юмшок буғдойда ўтказилган оддий ва мураккаб дурагайлаш ишлари натижалари // Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-1. – С. 75-79.
7. Дилмуродов Ш. Д., Бойсунов Н. Б. Рақобатли навсинаш кўчатзорида юмшок буғдойнинг биометрик кўрсаткичларини ўрганиш // Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 1. – С. 11-15.
8. DILMURODOVICH D. S. et al. Productivity, quality and technological characteristics of bread wheat (*Triticum aestivum* L.) variety and lines for the southern regions of the Republic of Uzbekistan // Plant cell biotechnology and molecular biology. – 2021. – С. 63-74.
9. Dilmurodovich D. S., Bekmurodovich B. N., Shakirjonovich K. N. Winter bread wheat grain quality depends on different soil-climate conditions // International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2020. – Т. 1. – №. 5. – С. 377-380.
10. Dilmurodov S. D., Toshmetova F. N., Fayzullayeva D. Selection of high-quality donor varieties of bread wheat for hybridization // МОЛОДЫЕ УЧЁНЫЕ РОССИИ. – 2020. – С. 55-58.
11. Дилмуродов Ш. Д. и др. Гибридизация в различном направлении и создание гибридного поколения мягкой пшеницы // Инновационное развитие науки и образования. – 2018. – С. 74-77.
12. Dilmurodovich D. S. et al. Analysis of yield and yield components traits in the advanced yield trial of winter bread wheat // International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 64-68.
13. Odirovich J. F., Anvarovich A. O., Dilmurodovich D. S. VALUABLE PROPERTIES AFFECTING THE HIGH-YIELD ELEMENTS OF DURUM WHEAT // INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-41.
14. Dilmurodovich D. S., Nasirulloevna T. F. Selection of early maturity lines in agroecological yield trial of bread wheat // НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ИННОВАЦИИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И. – 2020. – С. 41.
15. Dilmurodov S. D., Tukhtayeva U. A. Selection of high-yielding and grain-quality donors of winter bread wheat for irrigated areas // НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ: СОХРАНЯЯ ПРОШЛОЕ, СОЗДАЁМ БУДУЩЕЕ. – 2020. – С. 92-95.
16. Дилмуродов Ш. Д., Каюмов Н. Ш. ОЦЕНКА ПРОДУКТИВНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЛИНИЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ // Вестник науки и образования. – 2020. – №. 17-1 (95). – С. 27-30.
17. Дилмуродов Ш. Д. Ценные свойства, влияющие на высокоурожайные элементы мягкой пшеницы // ADVANCED SCIENCE. – 2020. – С. 38-41.

18. Dilmurodovich D. S., Shakirjanovich K. N. ANALYSIS OF YIELD AND GRAIN QUALITY TRIALS IN THE ADVANCED YIELD TRIAL OF WINTER BREAD WHEAT //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 550-555.
19. Dilmurodovich D. S. et al. STUDY OF MORPHO-BIOLOGICAL PROPERTIES AND RESISTANCE TO YELLOW RUST DISEASE OF NEW LINES OF WINTER BREAD WHEAT //InterConf. – 2021. – С. 641-647.
20. Khushvaktovich M. A., Dilmurodovich D. S. The choice of early maturing lines of spring bread wheat for irrigated areas //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ОБЩЕСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ. – 2021. – С. 30.
21. Dilmurodovich D. S. et al. Selection of large seed and high yielding lines of bread wheat for drought conditions //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 595-606.
22. Дилмуродов Ш. Д. ОЦЕНКА ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ И КАЧЕСТВА ЗЕРНА НОВЫХ МЕСТНЫХ ЛИНИЙ ОЗИМОЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ //Актуальные проблемы современной науки. – 2021. – №. 3. – С. 108-113.